

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ
БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

503 Хорижий инвесторларга технологик асбоб-ускуналар-
ни етказиб бериш эвазига хусусийлаштирилаётган
корхоналарнинг акцияларини сотиш тартибини ўз кучини
йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 569-1*

(2009 йил 21 ноябрдан кучга кирази)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январ-
даги 27-сонли «Давлат активларини сотиш тартибини янада такомиллашти-
риш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳуж-
жатлари тўплами, 2009 йил, 6-сон, 51-модда) қарорининг 4-бандига муво-
фиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмита-
си, **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркор-
ликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан 1998 йил 18 декабрда
07-98-сон билан тасдиқланган «Хорижий инвесторларга технологик асбоб-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й.

ускуналарни етказиб бериш эвазига хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг акцияларини сотиш тартиби» (рўйхат рақами 569, 1998 йил 18 декабрь) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат мулкини бошқариш
давлат қўмитаси раиси**

Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 2 ноябрь,
01/23-18/22-сон

Келишилган:

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

2009 йил 2 ноябрь